



IN THE RESEARCH OF ACADEMICIAN R. AMINOVA, THE ISSUE OF THE CONSTRUCTION OF THE GREAT FERGANA CANAL IS ADDRESSED

Erdon Umirovich Mardonov

*Head of the Department of Emergency Situations of Navoiy region
Navoiy, Uzbekiston*

ABOUT ARTICLE

Key words: R. Kh. Aminova, irrigation, Great Fergana Canal, collectivization, agrarian policy, people's movement, irrigation structures, Soviet period, agriculture, industrialization, MTS, cotton growing, historical sciences.

Received: 19.12.25

Accepted: 20.12.25

Published: 21.12.25

Abstract: This article analyzes the life, scientific activity, and candidate dissertation of Academician R. Aminova. The study highlights Aminova's scholarly position in covering the historical processes of irrigation works and the construction of the Great Fergana Canal in Uzbekistan, as well as her objective analysis of the people's labor and socio-political developments based on historical sources and archival materials.

АКАДЕМИК Р.АМИНОВНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДА КАТТА ФАРҒОНА КАНАЛИНИНГ ҚУРИЛИШИ МАСАЛАСИ

Эрдон Умирович Мардонов

*Навоий вилояти ФВБ бўлим бошлиғи
Навоий, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Р.Х. Аминова, ирригация, Катта Фарғона канали, жамоалаштириш, аграр сиёсат, халқ ҳаракати, ирригация иншоотлари, совет даври, қишлоқ хўжалиги, индустриалаштириш, МТС, пахтачилик, тарих фанлари.

Аннотация: Мазкур мақолада академик Р.Х. Аминованинг ҳаёти, илмий фаолияти ҳамда унинг номзодлик диссертацияси таҳлил этилган. Тадқиқотда Аминованинг Ўзбекистонда ирригация ишлари ва Катта Фарғона канали қурилишидаги тарихий жараёнларни ёритишда тутган илмий позицияси, манба ва ҳужжатларга таянган ҳолда халқ меҳнатини, ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳолисона таҳлил этганлиги кўрсатилган.

**В ИССЛЕДОВАНИЯХ АКАДЕМИКА Р. АМИНОВОЙ РАССМАТРИВАЕТСЯ
ВОПРОС СТРОИТЕЛЬСТВА БОЛЬШОГО ФЕРГАНСКОГО КАНАЛА***Эрдон Умирович Мардонов**Начальник отдела УЧС Навоийской области**Навоий, Узбекистан***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: Р. Х. Аминова, ирригация, Большой Ферганский канал, коллективизация, аграрная политика, народное движение, ирригационные сооружения, советский период, сельское хозяйство, индустриализация, МТС, хлопководство, исторические науки.

Аннотация: В данной статье анализируются жизнь, научная деятельность академика Р. Х. Аминовой, а также её кандидатская диссертация. В исследовании показана научная позиция Аминовой в освещении исторических процессов ирригационных работ и строительства Большого Ферганского канала в Узбекистане, её объективный подход к анализу труда народа и социально-политических процессов на основе источников и архивных документов.

Ушбу диссертацияни олиб ўқир эканмиз, Р.Х.Аминованинг биринчи тадқиқотлари шу даражада кенг бўлганлигини билишимиз мумкин. Мавзунинг ўрганилиш даражаси қисмида бу иш жуда кам ўрганилганини билишимиз мумкин. Ирригация қурилиши масаласида ойнома ва рўзномаларда кичик мақолалар чиққан. Фақатгина 1952 йилнинг ўзида Москва умумий Фанлар академиясида Ю.Ибрагимова номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Диссертация мавзуси “Катта Фарғона каналлини қурилишида Ўзбекистонда большевиклар сафарбарлиги” эди. Мавзунинг номидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, тадқиқотчи Катта Фарғона каналлини қурилишини ўрганган. Автор бу ишни катта қизиқиш билан ўрганди. У ўз ишида 1939-1944 йиллар кучли халқ ҳаракати эвазига катта-катта каналлари қурганини очиб берди [8.6.].

Р.Х.Аминова ҳам ўрганилган бу тадқиқотни жуда кенг даражада ўрганди ва катта муваффақиятга эриша олди. Диссертациянинг биринчи бобида асосан сиёсий вазият, 1939-1940 йиллардаги қишлоқ хўжалигида ривожланиш ва ўзгаришларга тўхталиб ўтган. Бу қисм илмий тадқиқотни назарий асосини ташкил қилди.

Диссертациянинг II бобида эса асосан ишнинг асосий илмий қисми бошланади. Унда кичик каналларни қурилишида халқнинг ҳамжиҳатлигини олима ҳужжатлар ёрдамида ва аниқ рақамлар билан ёритиб беради. Лангар каналлини қурилишига диссертацияда қуйидагича тўхталиб ўтилган. Сталиннинг учта беш йиллигида ирригация иншоотларини қуришга қаттиқ киришди. Айниқса бу қурилиш Ўзбекистон учун жуда керакли эди. Биргина қишлоқ хўжалигини кейинги ривожини учун кескин тарзда пахтачилик ва пахта

майдонларини кенгайтириш керак эди. Ўзбекистоннинг табиий иқлимидаги сабаблардан келиб чиқиб сув етишмаслиги инобатга олиниб, сунъий суғориш иншоотларини қуришга талаб ортди. Фарғона водийсидаги колхозчилар буни тушундилар ва бу ишни орқага сурмасдан, катта умумий халқ ҳаракатини ирригация қурилишига чорлади[8.100].

1939 йил 5 мартда марказий комитет ва халқ комиссарлиги Лангар каналини қуриш учун ўз хоҳиши билан келган колхозчилар рўйхатини тузди. Халқ хўжалиги қурилиши бошчилигида қурилиш ишларини мукамал ва пухта схемаси тузилди. Шундан сўнг, уч кундан кечга колмасдан кўрсатилган йўриқнома бўйича қурилиш ишларини лойиҳалаштириш бошлаб юборилди. Лангар перебросасини қуриш учун беш малакали ирригатор муҳандис, 15 та техник, 10 гуснич трактори ва бир қанча техника машиналари берилди[8.104].

Канал қурилишига ўзбек сув хўжалиги бош инженерии Б.Д. Коржавин кўрсатмаси билан Фарғона сув хўжалиги бош инженери Федодив бошчилик қилди. Жуда қисқа муддатларда инженерлар гуруҳи каналдан ўтадиган темир трасса лойиҳасини тузди. Инженер ва техниклар Мошков, Неронов, Сатурнов ва бошқалар оғир шароитга эга бўлган тоғолди районларида қорли об-ҳавода бир неча куннинг ичида темир трассани ўтказди. Шундан сўнг, йўналиш трассаси аниқ бўлгач, лойиҳачи инженерлар Клочков, Русаков, Сумарка ва бошқалар кучли босим билан ишлаб, туну кун лойиҳа туза бошладилар. Лойиҳани тез ва самарали тузишди. Қурилаётган Лангар каналининг сиғими 320 минг кубометрга тенг бўлиб, унинг чуқурлиги 2 метрдан 6 метргача бўлган ва эни эса 3 метрни ташкил этган. Канал секундига 63 метргача бўлган сувни Исфайрам сувидан олиб ва уни бирдагина Шоҳимардон сув тизимига юбориши керак эди. Лекин, афсуски 32 кмгача бу каналнинг суви бирданига пасайиб кетади. 38 метргача пасайган бу сув эса оқим тизимига таъсир қилади. Лангар канали Исфайрамсой ва Шоҳимардонсойларни бир-бири билан боғлаши керак бўлган. Бунинг оқибатида сув минутига 7-8 кубометр сув етказиб берган. Бундан ташқари канал 6-7 минг гектар ерга сувни тўғри тақсимлаб бериши керак эди. Каналнинг узунлиги 32 кмни ташкил этган. Каналнинг бошланиши Полмон қишлоғидан бошланган ва шу ерда Исфайрам сойи билан қўшилган, кейин Лангар қишлоғидан ўтиб, Марғилонсойга қўшилиб кетган [8.109].

Юқори орган вакиллари 20 кунда канални қуриб битказишни мўлжаллади. Канал трассаси бўйлаб 10 минг колхозчи ишлади. Бу муҳлат оғир эди. Ишчилар юракдан ишлади. Чунки халқ орзуси эди. Катта сиёсатшунослар томонидан бошланган иш Республика партияларини ташаббуси билан амалга оширилган бу иш ўз самарасини берди. Биринчидан, трассага ўн минг колхозчи чиқди, уларнинг сони ўн тўрт мингга етди ва иш самараси ошди.

Чин юракдан ишлаган 14 минг колхозчилар канални куриши меҳнатини самараси намунали тарзда бўлди[8.110].

Тошкент вилоятининг ёшлари Зокир Қодиров ва Рахмон Қирғизбоев бир куннинг ичида 7-8 кубометр ерни ковлди ва бу эса белгиланган нормани 700%, 800% бажарди дегани эди. 14 кишидан иборат Марғилон районининг жамоаси 3 кун ичида 200 кишига юклатилган ишни якунлади. Жамоада ўз меҳнати билан яққол кўринган Андреев колхозидан Кўчқор Хошимов ва Молотов колхозидан Маллабой Турғунбоев эди. Улар кунига нормани 400%, 500% ини бажарган. 29 март куни қурувчилар жамоаси канални очилишини тантановор байрам қилдилар. Бу байрамда Марказий кўмита бошлиғи Усмон Юсупов ва Олий кўмита вакили Йўлдош Охунбобоев, ҳокимият аъзолари ва бир қанча фахрий меҳмонлар иштирок этди[8.112].

Диссертациянинг II боби 2 қисмида бевосита катта шов-шувларга сабаб бўлган Катта Фарғона каналини қурилишига Р.Х.Аминова батафсил тўхталиб ўтган.

1939 йилнинг баҳорида Фарғона вилоятининг бир қанча ҳудудларида янги каналлар қурилишига қарамай, сув тақчиллиги муаммоси ҳали ҳамон муаммолигича қолаверди. Фарғона вилоятининг кўпгина районларида айниқса пахта етиштирадиган ҳудудларида сув тақчиллиги айниқса юқори эди. Бунинг оқибатида бир кунда бир қанча пахта ниҳоллари сувсизликда қуриб кетади. Фарғона вилоятининг 24 районида Норин ва Сирдарё дарёларининг чап қирғоқ бўйича 5 та кам сувли дарёларда (Қорадарё, Исфайрам, Шохимардон, Сох ва Исфаралар) сув тақчиллиги кучайган эди. Айниқса Қорадарёни суви июль ва август ойларида камайиб кетган, лекин шу йили бу муддат анча олдинга сурилган. Сох ва Исфайрам дарёларнинг сув тақчиллиги май июнда кучайиб кетган. Шохимардон дарёсида эса сув тақчиллиги суғориш мавсумидан олдин камайиб кетган[8.128].

Сирдарё бўйида жойлашган водий дарё сатҳидан паст бўлганлиги сабабли дарё сувидан фойдалана олмаган, лекин эндиликда бу каналнинг қурилиши билан уларга Сирдарё сувидан оммавий фойдаланишга имкон бўлди. Ўзбекистон ҳукумати ва ҳукмрон партия халқнинг Сирдарё сувидан фойдаланиш орзусини амалга оширди. Ўзбекистон ҳукумати ва бошқарув органлари томонидан Катта Фарғона каналини қурилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинди ва бу қарорда каналнинг қурилиши тўғрисидаги мукамал режа тузиб олинди. 1935 йил Пахта бош бошқармаси “Созгипровод” да Қорадарёнинг қуйи қисмида қуришга мўлжалланган ирригация соҳасидаги техник ва иқтисодий режа тузиб олинди[8.133].

Шахсан И.В.Сталиннинг ўзи, Ўзбекистон ҳукумати ва ҳукмрон партия томонидан 1939 йилнинг 26 майида Катта Фарғона каналининг қурилиши тўғрисидаги қарорни маъқуллади. Катта Фарғона каналини ғояси ниҳоятда оддий эди. Бизга маълумки, Сирдарё

икки дарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Яъни Қорадарё ва Норин дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Ўша вақтларда Қорадарё кенгайиб, ерга сингиб кетади ва Норин дарёсининг суви ишлатилмайди. Лойиҳа бўйича трасса 45 км бўлиши керак. Қорадарёнинг трассаси эса 195 км бўлиши керак эди. Апрель ойининг охирларида барча жамоа ўз жойларига бориб ишга киришиб кетдилар ва бир-бирлари билан мусобақа тарзда канал трассасини қуришни бошлаб юборишди. Шу тарзда гуруҳлар ўз ишларини қуйидаги жойларда бошлашди [8.138].

Гуруҳ №	Муҳандис	Ҳудуд	Иш кетаётган масофа
1	Борисов	Норин дарё – Қора дарё	50 км.
2	Стрельче	Қора дарё – Сарижуга	48 км
3	Неронова	Сарижуга – Боғдод коллектори	60 км
4	Ганешина	Боғдод коллектори – Наймансой	48 км
5	Канонов	Наймансой- Бешариқ	42км
6	Подольского	Бешариқ – Конибодом	23 км

Катта Фарғона Ўзбекистоннинг 16 та районида, Қирғизистон ва Тожикистонни битта худудини кесиб ўтган. Канал Норин дарёсини атрофидаги Учқўрғон магистралидан бошланган ва Маҳрам ариғидан тугаган. Маҳрам ариғига 4 кубометр сув бориши керак бўлган. 40 та малакали мутахассислар канални гидротехник ҳолати лойиҳасини ишлаб чиқишга киришиб кетди. 40 кун ичида бу лойиҳа тугади ва тезлик билан бир вақтда барча лойиҳалар тузилиши тугатилди. Шунингдек бу лойиҳада инженерлар томонидан кўприкларнинг ҳам қурилиши режалаштирилди. Бу кўприклар темир йўл магистрали учун қурилган эди [8.148].

Катта Фарғона канали қурилишида Ўзбекистоннинг 33 райони ва Тожикистоннинг Ленинобод округининг 6 райони иштирок этдилар. Бу каналнинг қуриб битказилиши вақти 1939 йилнинг 1 августидан то 1 сентябригача белгиланган эди ва барча ишларнинг якунланиши 1939 йилнинг 5 декабригача тугатилиши режалаштирилди. Тиббиёт ходимлари 160 минг канал қурувчиларига яхши шароит яратиб беришди ва уларни яхши кутиб олишди [8.162.].

Катта Фарғона 45 кун ичида қуриб битказилди 1939-1940 йилларда халқнинг ҳашар йўли билан қурилган каналлар ўз давр учун Ўзбек халқининг катта ютуғидир. Бу каналнинг қурилиши билан нафақат пахтачиликнинг ривожини балки қишлоқ хўжалигидаги бошқа тармоқларнинг ҳам ривожланишига замин яратди.

Диссертация хусусида хулоса қиладиган бўлсак Р.Х.Аминова Ушбу ишни ўрганиш учун аспирантлик йилларида Ўзбекистон Марказий Давлат архивида, Қишлоқ хўжалиги архивида, Пахта бошбошқармаси архивларида ишлади ва катта натижага эришди. Ушбу диссертация холисона ёзилган дея оламиз. Тан олишимиз керакки, собиқ иттифоқ даврида кўплаб қурилишлар, заводлар, қайта ишлаш заводлари, шаҳарлар қурилди. Ушбу янгиланишларни яхши ёмон томонлари ва асл кўзда тутилган мақсадлари бор эди. Р.Х.Аминова масаланинг худди шу томонларини ўз номзодлик диссертациясида ёритиб бера олди. Яъни каналларнинг қурилишидан асосий мақсади пахта мустақиллигига эришиш эканлигини, бошқа тармоқ экинларга жой ҳам ажратилмаганлигини ёритиб берди. Шунинг билан биргаликда қурилаётган иншоотларда бевосита халқнинг заҳматли меҳнати даражасини юксаклиги ва халқ куч қудратини омма олимларига илмий тилда тушунтира олди. Р.Х.Аминова табиатан халқпарвар олима бўлганлиги сабабли ўз илмий изланишларида доимо халқ қудратини кўрсата олишга ҳаракат қилди. Р.Х.Аминова Ушбу диссертацияни ёзиш учун бевосита канални худудига бориб, туб жой аҳолиси билан суҳбатлар ўтказди. Шунингдек қатор тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ фақатгина Катта Фарғона каналини яратилишини ёзиб қолмасдан, халқ бу каналдан олдин ҳам бир қанча кичик каналлар яратганлигини, бу каналларни яратилишида етти ёшдан 70 ёшгача бўлган ўзбек халқи уюшиб ишлаганини таъкидлаб ўтди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1 жилд. Т., ЎзМЭ давлат нашриёти, 2000 й.
2. Юнусхўжаева М. Ўзбекистон Хотин-қизларининг фан маданият ва санъат тараққиётидаги роли. Т., 1985 й.
3. ЎзМА, 86-жамғарма, 1 рўйхат, 26-йиғма жилд, 16-варақ.
4. Социалистическое сельское хозяйства Узбекистана. 1939, № 11-12. с. 97-98.
5. Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том. Т., 1967 й.
6. Ризаев Г. Сельское хозяйства Узбекистана за 40 лет. Т., 1957 й.
7. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Статистический ежегодник. Т., 1967 г.
8. Аминова Р.Х. Великое народное движение в ирригационном строительстве Узбекистана (1939-1940 гг.). Дисс.канд.ист.наук. -Т., 1953 г.